VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

14 (23) 2009 йил 8 апрель, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



## Аёл ва жамият

Жамиятни оиласиз, оилани эса аёлларсиз тасаввур қилиш қийин. Чунки аёл оила ва жамият кўрки, авлодлар бардавомлигини таъминловчи риштадир. Бугун юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини кучайтириш, таълим ва малака даражасини оширишга кенг эътибор қаратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

➔ 3-бет



## Инқирозга қарши кураш

2008 йилда бошланиб, кўлами тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чоралар дастурини ишлаб чиқиш масаласи дунё миқёсида энг долзарб масалага айланмоқда.

➔ 7-бет



## Ортиқ уста ясаган сандиқлар

Сандиқчилик касб-кори кўп йиллик тарихга эга. Ундан аждодларимиз, ота-боболаримиз уй-рўзғор буюми сифатида кенг фойдаланишган.

➔ 8-бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## «Ягонасан, муқаддас Ватан!» Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида

**Барчамиз учун бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас макон бўлмиш она Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2009 йилдан бошлаб ҳар йили «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитаси таркиби ва кўрик-танлов низоми 1- ва 2- иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий қўмитасининг вазифаси этиб қуйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш;

кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатиш, жумладан, жойларга тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассисларни ижодий сафарга юбориш;

санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган, ор-номус, қадр-қимmat, ғурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этадиган, юксак гражданлик руҳидаги қўшиқларга алоҳида эътибор қаратиш.

4. Жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари раҳбарлигида комиссиялар тузиш вазифаси топширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

кўрик-танловнинг республика якуний босқичига тайёргарлик кўриш, тарғибот қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

кўрик-танлов ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тасарруфидаги ташкилотларнинг ушбу кўрик-танловнинг саралаш босқичларини ўз маблағлари ҳисобидан ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўрик-танловни тайёрлаш ва ўтказиш ҳамда ғолибларнинг республика якуний босқичида иштирок этишини таъминлаш билан боғлиқ барча харажатлар маҳаллий ҳокимликларнинг бюджетдан ташқари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги республика кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш ва улар ижросидаги концерт дастурини намойиш этишда «Туркистон» саройини бепул фойдаланиш учун тақдим этсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига кўрик-танлов тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 7 апрель

9 АПРЕЛЬ — СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

## Аждодлар бунёдкорлиги

### хорижий сайёҳлар нигоҳида

**Халқимизнинг узоқ тарихи, аждодларимиз босиб ўтган йўлга назар солсак, Соҳибқирон Амир Темур улар орасида ўзига хос ўринга эга эканига гувоҳ бўламиз. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида муносиб эътироф этганларидек: "Чунки тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди".**

**Омонулло БЎРИЕВ,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими**

Маълумки XV аср бошларида Амир Темур давлати сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан салоҳияти кучайиб, Ғарбий Европа давлатлари ҳукмдорлари наздида ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлди ва улар ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш мақсадида Соҳибқирон ҳузурига ўз элчиларини йўллай бошладилар.

Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара (1390-1407) ҳам катта хайрихоҳлик билан Амир Темур ҳузурига ўз элчилари - диншунослик магистри Фра Альфонса Пағом де Санта Мария, Руи Гонсалес де Клавихо ва Гомес де Саласарларни мактуб ва ҳадялар билан юборади. Элчиларга от-уловлар бериб, то пойтахт Самарқандгача ҳар бир манзилда катта иззат икром кўрсатиб борадилар.

Кастилия қироли элчилари 1404 йил 21 августда Термит (Термиз) шаҳри ёнида Амударёдан ўтиб Мовароуннаҳр ҳудудига қадам қўйганлар ва қайтишда Бухоро орқали юриб, 10 декабрда Омўя гузари орқали яна шу дарёдан Хуросон томон ўтганлар. Уларнинг Мовароуннаҳрда турган вақтлари жами уч ой ва йигирма кунни ташкил қилиб, асосан куз фаслига тўғри келган.

Ушбу элчиликда бевосита қатнашган Руи Гонсалес де Клавихо ушбу сафар ҳақида батафсил кундалик ёзиб борган ва у фанда "Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги" номи билан танилган.

(Давоми 5-бетда)



ПАРТИЯ АХБОРОТИ

## Ижроия қўмита йиғилиши

**ЎзМТДП МК Ижроия қўмитасининг 6 апрель куни бўлиб ўтган йиғилишида ҳудудий партия ташкилотлари томонидан партия Марказий Кенгаши пленумлари қарорларининг бажарилиши, ЎзМТДП ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш концепцияси ва партия кенгашларининг жамоатчилик билан алоқасини мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.**

Йиғилишда партия МК Ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов янгиланган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастлабки пленумларидаёқ ЎзМТДП фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ва иш услублари ҳақида тегишли қарор қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаб, жумладан шундай деди: — Партиямиз жамиятимизда кечаётган барча сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маънавий жараёнларнинг ичига чуқур кириб бориши ва сиёсий куч сифатида атрофимизда бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва нуқтаи-назарини билдириб бориши ва амалий ишлар билан мамлакатимиз миллий манфаатларига хизмат қилиши лозим. ЎзМТДП ўтказаётган оммавий-сиёсий тадбирларнинг таъсирчанлигини кучайтириш ва номигагина тадбир ўтказишдан воз кечиш мақсадида – тадбирлар давомида партия Дастуридан келиб чиқиб миллий қадриятларимиз билан боғлиқ кўргазмалар ташкил қилиш, истеъдодли ёш ҳунармандлар, рассомлар, усталарнинг асарларини, санъаткорларни жалб қилган ҳолда турли театрлаштирилган саҳналар ва куй-қўшиқлар намойиш қилиш белгиланган эди. Буларнинг барчаси партия ғоя-мақсадларини таъсирчан тарғиб қилинишига олиб келишини тажрибамизда кўрдик. Лекин, барча партия ташкилотлари ҳам тарғиботнинг бундай самарали усулидан фойдаланаётгани йўқ. Фаолиятимизнинг асосий мезони фақат тадбирлар сони билан эмас, унинг самараси ва натижаси билан ўлчанишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ижроия қўмита йиғилишида шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш иш режаси асосида партия фаолиятини янада кучайтириш концепцияси муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси аъзоларидан У.Муҳаммадиев, А.Эшмуродов, Ж.Сафоев, партия МК аъзолари У.Жалменов, И.Коренёв, З.Мунавваров, И.Арипов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришди.

Йиғилишда мамлакатимизда сиёсий жараёнлар кучайиб бораётган ҳозирги пайтда партиянинг жамоатчилик билан алоқаларини кучайтириш ва бунда оммавий ахборот воситалари кучи ва имкониятидан самарали фойдаланиш, партия матбуот нашри – "Миллий тикланиш" газетасида партия ичида кечаётган баҳс-мунозараларни ва айрим партия ташкилотлари фаолиятида кузатилаётган камчиликларни "Ўз ўзини танқид" рукни остида ёритиш, партиялараро ғоялар курашини акс эттириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

## Партия ташкилотларида нега ташаббус етишмаяпти?

### жойларда бўлиб ўтган семинарларда айни шу муаммо устида баҳс-мунозара юритилди

**Аввал хабар қилинганидек, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси мамлакатимизнинг барча минтақавий партия ташкилотларида ЎзМТДПдан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, ҳудудий кенгашлари Ижроия қўмитаси ходимларининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ўқув-семинарлар ўтказмоқда.**

Баҳс-мунозара шаклида ўтаётган анжуманларда сўзга чиққан партия ташкилотлари раҳбарлари, партиядан сайланган барча даражадаги депутатлар ЎзМТДП фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, асосий эътиборни йўл қўйилаётган хато-камчиликларга ва партия олдида турган вазифаларга қаратишмоқда.

Жумладан, ЎзМТДП Қашқадарё, Наманган ва Самарқанд вилоят кенгашларида бўлиб ўтган семинарларда сўзга чиққан партия МК Ижроия қўмитаси раиси А.Турсунов, дастлаб Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** номли китобида илгари сурилган мақсад-вазифалар ва бутун дунёда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг мамлакатимизда олдини олиш ва таъсирини юмшатиш бўйича давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсат хусусида иштирокчиларга батафсил маълумот берди ва бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва аъзолари ҳамда партиядан сайланган депутатлар олдида турган вазифалар хусусида тўхталди.

(Давоми 2-бетда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# ИҚТИСОДИЁТ

2009 ЙИЛ – "ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ"

## Обод масканга айланмоқда

**"Истиқлол" қишлоқ фуқаролари йиғини Сайҳунобод туманидаги энг чекка аҳоли масканларидан саналади. Ҳудудда бугунги кунда еттита маҳалла мавжуд бўлиб, 2779 та хонадон бор. 7 та умумтаълим мактаби, 3 та мактабгача тарбия муассасаси, 3 та қишлоқ шифохонаси, 2 та мини банк, 35 та савдо дўкони самарали фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудида ёшларни иш билан таъминлаш устувор вазифага айланган.**

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Аҳолини томорқа билан таъминлаш деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни равнақ топтириш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг томорқа билан тўлиқ таъминланиши фаровонлик омили сифатида хизмат қилмоқда. Кейинги йиллар давомида қарийб 500 гектарга яқин ҳосилдор экин майдонлари томорқа учун ажратилди. Қишлоқ аҳолиси ундан унумли фойдаланиб, катта даромад соҳибига айланмоқда. Раҳмат Жўраев, Малик Тўланбоев, Мавлуда Умарова, Ҳусан Мамажоновлар оилавий бўлиб, томорқа хўжалигидан фойдаланишяпти. Улар бир йилда икки-уч мартадан ҳосил олишмоқда. Оилаларнинг ҳалол меҳнат орқали бир йилда топаётган даромадлари 5-6 миллион сўмни ташкил этмоқда. Қуролбой Нуриддинов, Қурбонбой Қаршибоевлар ўз томорқаларида анорзор, анжирзор барпо этиб, катта фойда кўрмоқдалар. Қишлоқ тадбиркори Бозор Аллаёров эса ўз маблағи эвазига сув ҳавзаси қуриб, балиқчилик хўжалигини очди.

Жорий йилнинг юртимизда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб номланиши "Истиқлол" қишлоқ фуқаролари йиғини раҳбарлари ва фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Фаоллар, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан ҳудудда катта ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги "Иттифоқ", "Ободон", "Нурматобод, "Намуна", Шароф Рашидов номли маҳаллаларда терakзорлар барпо этиш, икки километрлик йўлни асфальтлаш, тўрт километрга яқин газ қувурларини янгилаш асосий вазифа этиб белгиланган. Бундан ташқари, "Иттифоқ" маҳалласи ҳудудида тўхтаб қолган консерва заводини ҳомийлар ёрдамида қайта ишга тушириш ҳам асосий вазифа этиб белгиланган. Агар корхона ишга тушса нафақат ушбу ҳудуддаги, балки Сайҳунобод ва қўшни туманларда етиштирилган мева, сабзавот, полиз ва чорва маҳсулотлари қайта ишланиб, консерваланган ҳолда хорижга экспорт қилинади. Энг муҳими корхонанинг ишга тушиши туфайли 40 нафарга яқин қишлоқ ёшлари доимий иш ўринларига эга бўладилар.

- Қишлоқдошларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, эл-юрт фаровонлигини таъминлаш асосий вазифамиз,- дейди "Истиқлол" қишлоқ фуқаролари йиғини раиси Жўра ака Умрзоқов.- Ҳудудимизни обод, кўркам масканга айлантириш учун бор имкониятимизни ишга солаяпмиз.

БОҒДОРЧИЛИК

## Бахмал олмаси

### рекламага муҳтож эмас

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ҳазрат Алишер Навоий:
Олмани сўнди нигорим, ол деди
Олма бирла бу кунгулни ол деди,
деб ёзганлар. Қаранг олмаларимиз ўша аждодларимиз яшаган даврлардаёқ рамзга айланиб кетган экан. Унинг зоҳирий маъноси?! Меваларнинг таъми, шифобахшлиги, дастурхон учун кўрки ҳақида гап кетганда олма ҳам биринчилар қаторида тилга олинади. Ўзи рамзга айланмаган қандай мевамиз бор?! Ўзбек тупроғида етишгани рамзга айлангани-да! Санаймиз: учқора майизи, Қува билан Дашнобод анори, Наманган олмаси, Фарғона ва Каттақўрғоннинг ўриги, Хоразм ва Мирзачўлнинг қовунлари... Бу мевалар маржонига Бахмал олмасини ҳам қўшсак жуда ярашади. Таърифига гап йўқ. Ўлкамизнинг шу соҳа бўйича академиги Маҳмуд Мирзаев Бахмал соҳибкорлари етиштираётган олмаларни кўриб, олимлар яратган олма навларининг камчилигини Бахмал табиати тўлдираяпти, деган эканлар. Ҳа, табиат саховати тоғ ён бағирларида етилаётган олмаларга жуда чиройли ранг, шифобахш таъм, оғир салмоқ, узоқ муддатга сақланишдек хислатларни ато этиб, унинг шуҳратини оширмоқда. Ўзбекистон бозорларини қўяйлик, ҳатто қўшни республикаларда ҳам Бахмал олмасининг ошиғи олчи. Россиянинг телевизион каналлари узоқ вақт Бахмал олмасини реклама қилганига гувоҳмиз. Бирор тўй, юбилей ёки байрам дастурхонида шу неъмат бўлмаса татимайди. Бахмал олмаси ҳақида қанчадан-қанча ривоятлар, афсоналар тўқилган.

— Бахмал олмасининг бундай ижобий хусусиятларга эга бўлишида табиатнинг жуда катта таъсири бор,- дейди Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази бўлим мудири Қурбон Эшмирзаев. — Денгиз сатҳидан 1,5 минг метр баландликда тоза обҳаво шароитида минералланган сув, қуёш нурининг кўп тушиши, физик-химик жараёнлар олманинг бундай хусусиятларга эга бўлишида катта аҳамият касб этади.

Олимнинг айтишича ҳар куни олма танавул қилган инсон ҳеч қачон касал бўлмас экан. Нега деганда, ўз хусусиятлари билан жаҳонда етиштириладиган фойдали мевалар орасида учинчи ўринда турар экан. Хуллас олма ҳақида аввал ҳам "кўп ва хўп" гапирилган. Лекин масаланинг моҳияти шуки, бу мева турининг бугунги кунда халқ хўжалигидаги аҳамиятига жиддийроқ диққат қаратсак.

Агар Бахмал тумани хўжаликларини, шахсий томорқаларини кузатсангиз аҳоли, асосан, олма етиштириш билан шуғулланишига гувоҳ бўласиз. Хўжаликлар ва аҳоли асосан олма етиштириб, даромад олаётганини таъкидлашмоқда. Эскирган мева дарахтларини алмаштириш, янги олмазор барпо этиш йўлидаги ишлар кишини қувонтиради. Кишилар мустақиллик шарофатидан фойдаланиб, хўжаликлар билан шартнома тузиб, тоғ ён бағирларини экишга тайёрлаб олмазорлар барпо этаётгани бу соҳанинг истиқболи порлоқлигидан дарак беради. Бироқ келажакни ўйлаб хўжалик юритиш ҳам шахсий, ҳам жамият манфаатларини ҳисобга олиб фаолият кўрсатиш улар олдидаги асосий вазифа бўлиши зарур.

— Бахмал ўрмон хўжалиги билан узоқ муддатга шартнома тузиб, 30 гектар ерни олмазор қилдим. Ўтган йили унинг биринчи ҳосилини олдик. Майдонларга юқори ҳосил, сифатли маҳсулот берадиган олма навлари "Стар-кримсон", "Голден-Дили-6" экиб парваришлаяпман. Келажакда улардан кўчат етиштираман, бозорга сотаман, буюртмачиларга бераман,- дейди деҳқон фермер хўжалиги раҳбари Акрам Раҳмонқулов.

Бахмаллик соҳибкорлар ҳозир олмани янада узоқ вақт сақлаш устида бош қотирмоқдалар. Қурбон Эшмирзаев бу борада шундай дейди: — Ҳаво иссиқ келган йиллари Бахмал олмаси қанчалик сершира ва серсув бўлмасин ўз хусусиятини йўқотади. Шунинг учун махсус совуқхоналар қуриш зарур бўлади. Унга кетган харажатни олма фойдаси бемалол қоплайди. Кустар саноат усулида қайта ишласа бўладиган корхона қуришни ҳам жадаллаштириш керак. Олим ўз фикрини исботлаш учун мисол келтирди. Унинг айтиши бўйича сифатини йўқотган маҳсулот 2-3 баравар арзон баҳоланар экан. Бунда маҳсулот сифати, соғлиққа фойдасини ҳам унутмаслик зарур, дейди у. Сир эмас, ҳозир марказий бозорларимизда хориждан келтирилган олма Бахмал олмаси билан рақобатга киришмоқда. Тўғри, сифат ўз йўлига, бироқ таъмига келганда Бахмал олмасига тенг келолмаслиги харидорларга аён.

Бахмаллик соҳибкорлар ўтган асрнинг 40 йилларидан бошлаб олма етиштириб келмоқда. Уларнинг маҳсулотлари жаҳон аҳамиятига эга бўлган кўргазмаларда намойиш этилганига гувоҳмиз. Олимлар ўзларини яратган навларини шу ҳудудларда синаб, илмий даражаларини оширдилар. Эшмурод Аҳмедовдай хўжалик раҳбари Ойқор хўжалигида минг гектарлаб боғ барпо қилди. Абдувойид Усанов номли хўжаликнинг "Музбулоқ" бўлими бошлиғи Султон Эсонов эса тоғ оралиқларида ҳам олманинг ҳосил беришини исботлади. Айтишга, мақтанишга арзийдиган гаплар. Лекин давр яна бир муаммо - олма дарахти кўчатчилигини тартибга солишни тақозо этмоқда.

— Олма етиштириш соҳасида эришилган ютуқларни сарҳисоб қилиш, янгиларини жорий этиш бугуннинг талаби,- деб сўзини давом эттиради олим. — Бахмал ерига бозордан тўғри келган навни олиб келиб экиб бўлмайди. Баъзи бир фермерлар шундай қилишади. Экиладиган кўчат дориланган бўлиши, Бахмал табиатига мос келиши керак. Бу касалликларни олдини олиш учун ҳам зарур. Иложи борича кўчатлар шу ернинг ўзида тайёрланганини маъқул. Бу олмани новдалигидан табиатга мослашишини таъминлайди, об-ҳавога кўникиб, мевага киради. Бунинг учун эса кўчат етиштирадиган плантацияларни ташкил этиш лозим бўлади.

МАРҒИЛОН ГИЛАМЛАРИ

**Ҳунармандлар юрти Марғилон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги акционерлик жамияти негизида асрлар давомида қадрланиб келинган қўл гиламдўзлик санъатининг ноёб турлари тикланди.**

## Шарқда остона гиламдан бошланади

Қўл меҳнати ресурслари кўп бўлган жойларда ҳунармандчиликнинг бу ноёб турини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Қишлоқ ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли, хусусан хотин-қизларнинг манфаат ва имкониятларини оширишда ҳунармандчиликнинг ривожланиши оилаларни барқарор даромад билан таъминлаш баробарида, гиламдўзлар сулоласининг шаклланишига замин яратади.



Марғилон гиламларининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, улар қўл кучи, қалб қўри, меҳр билан табиий ипакларга жило, кўрк бериб тайёрланади. Унинг бошқа маҳсулотлардан фарқли томонларидан яна бири, матоларга сайқал берган ранг-бўёқлар табиий гиёҳлардан тайёрлангани, асрлар давомида ўз хусусиятини йўқотмаслиги билан ҳам ажралиб туради. Бу эса дунё бозорида Марғилон гиламларининг ўрни ва нуфузини оширишга хизмат қиляпти. Ҳунармандлар таъбирига кўра, бир дона гиламга керакли хомашёни тайёрлаш учун йигирмадан ортиқ амаллар бажарилиб, 1-3 йил давомида яратилади.

Қадим юртда гиламчиликнинг бу ноёб турини ўрганиш истагида бўлган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Айни кунда тармоқда 180 нафардан ортиқ гиламдўз қизлар жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган алвон маҳсулотлар туркумини яратишмоқда. Гиламдўзлик касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашларида эронлик мутахассисларнинг амалий ёрдами катта бўлмоқда. Жумладан, канадалик Шариф Ғуломмирзо ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун 500 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритди. Бу ўз навбатида 300 нафар ёшларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Корхонада касаначилик асосида аҳолини иш билан таъминлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунда Марғилоннинг Йўрмадўз, Шилдирама маҳаллалари ҳамда Тошлоқ туманидаги Заркент қишлоғи хонадонларида 15 нафардан зиёд аёллар марғилон гиламларини тайёрлаб беришмоқда.

Гап шундаки, айни кунда тармоқда қўл гиламларининг олтмишдан ортиқ турлари тайёрланди. Етакчи экспертларнинг фикрига кўра, Эрон гилам экспорти ҳажми дунёда нефтдан кейин иккинчи ўринда туради. Марғилонда яратилаётган гиламлар эса сифати ва сайқали борасида Эрон гиламлари билан бемалол рақобатлашади. Сармоядорларнинг таъкидлашича, Алишер Навоий номидаги акционерлик жамияти негизида "Марғилон қўл гиламчилик маркази" ташкил қилинади. Бу беш мингта янги иш ўринлари яратиш ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини беради.

"Марғилон гилам маркази" бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш ва ўқув мактаби сифатида фаолият юритади. Марказда доимий равишда 300 нафардан зиёд ёшлар қўл гиламдўзлик мутахассислигига ишлаб чиқариш жараёнидан ажралмаган ҳолда ўқитилади. Ўқиш жараёни улар қўлда гилам тўқиш, ипак ва жунни қайта ишлаш, бўяш, дизайнерлик, гилам нақшлари ва сайқалларини чизиш, гиламга ишлов бериш каби гиламдўзликнинг сир-асрорларини ўрганишади. Касб эгалари малака ва маҳоратга эга бўлганларидан сўнг турар жойларда ташкил этилган кичик цехларда мустақил фаолият бошлайди.

Гиламдўзлик маркази маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган дастгоҳ, асбоб-ускуналар, хомашёлар етказиб беради, улар захирасини тайёрлаб боради. Қўл гиламдўзлиги экологик тоза ва хавфсиз меҳнат бўлиб, уни хонадон ва маҳаллаларда ташкил қилишда катта сармоя талаб этилмаслиги билан ҳам ажралиб туради. Бундан ташқари жаҳон бозорида қўл гиламларига бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Чунки бу маҳсулотлар юқори санъат асари каби шуҳрат эътибор топиб, эъзозланмоқда.

Марғилон гиламдўзлик мактабининг шаклланиши унга боғлиқ бўлган соҳалар ривожланишига ҳам катта туртки беради. Катта сармоялар жалб қилинмаган ҳолда фаолиятни диверсификация қилиш билан ипак, жун ва пахта толаларини қайта ишлаш йўналишлари ривожланиб, дунё бозорига юқори қийматга эга бўлган экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш омиллари тараққий эттирилади.

– Мамлакатимизда ишбилармонлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хорижий сармояларни жалб этиш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар четга хомашё эмас, балки тайёр маҳсулот турларини экспорт қилиш имкониятини бермоқда, – дейди корхона бош директори Аббосхон Акрамов. – Шу пайтгача Марғилон ипакларининг асосий қисми ҳам фақат хомашё тариқасида четга сотилган. Ҳунармандлар юртидаги янги тармоқ бу борадаги ишларга барҳам бериб, табиий ипакларни тайёр маҳсулот тариқасида экспорт қилиш имкониятини беради.

Қўл кучи, замонавий ранг-тасвирларга уйғунлашган, соф ипакдан тайёрланган маҳсулотларга дунё бозорида қизиқиш катта. Марғилон тамғаси билан ишлаб чиқарилган рангин гиламлар яқин кунларда Осиё, Африка ва Европа давлатларига экспорт қилинади.

**Расул КАМОЛ,**
**"Туркистон-пресс"**

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.




Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб борaман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

